



Tadcqiqot UZ

**ЎЗБЕКИСТОН
ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ
ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАРИ
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



**28 FEBRAL
№25**

CONFERENCES.UZ

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 25-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
6-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
25-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-6**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
25-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-6**

ТОШКЕНТ-2021



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 25-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 28 февраль 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 13 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

PhD Шакирова Шохида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ЖУРНАЛИСТИКА

1. Соҳиба МУЛЛАЕВА КОНВЕРГЕНТ ТАҲРИРИЯТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	7
2. Салимова Раъно Умедилло қизи ТАҲРИР САНЪАТИ. МАТН ИХЧАМЛИГИГА ЭРИШИШ УСУЛЛАРИ.....	9
3. Тўхтамирзаев Омонжон, Турсунали Кузиев СПОРТ ЖУРНАЛИСТИКАСИНИНГ ОНЛАЙН НАШРЛАРДАГИ ИМКОНИЯТЛАРИ	11



ЖУРНАЛИСТИКА

КОНВЕРГЕНТ ТАХРИРИЯТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Сохиба МУЛЛАЕВА,
ЎзЖОКУ таянч докторанти
E-mail: smullayeva@mail.ru
Тел.: +99897 700 43 75

Калит сўзлар: медиаконвергенция, конвергент тахририят, медиа маҳсулот, трансмедиа, универсаллик, янги медиа, интернет, ОАВ.

Ключивые слова: медиаконвергенция, конвергентная редакция, медиапродукт, трансмедиа, универсальность, новая медиа, интернет, СМИ.

Key words: media convergence, converged editorial, media product, transmedia, universalism, new media, Internet.

Аннотация: Мазкур мақола медиаконвергенция шароитида юзага келган конвергент тахририятларнинг таснифи, таърифи ва ўзига хосликларини таҳлил қилишга қаратилган.

Кўпгина тадқиқотчилар конвергент тахририят тушунчаси технологик трансформация натижасида юзага келган медиконвергенция ҳодисаси сифатида қарашган. Айрим тадқиқотчилар эса интернетнинг оммалашувидан ташқари медиконвергенция жараёни ва конвергент тахририят тушунчаларининг юзага келиши ҳамда ривожланишига ОАВнинг бозор иқтисодиёти шароитида режалаштирилган иқтисодиётга ўтиши билан бошланган тижоратлашуви ҳам сабаб бўлганлигини эътироф этишади¹. Чунки бундай шароитда оммавий ахборот воситалари ахборот етказиш ёки тарғибот воситаси бўлиб қолмай, балки кичик ва йирик бизнесни ривожлантириш учун қулай майдонга айланди. Бу реклама, пулли обуна, трафикни қайта йўналтириш ва бошқа турли хил йўллар орқали оммавий ахборот воситаларидан “пул қилиш” усуллари кенг доирада амалга оширади. Мутахассислар ва оддий одамлар эътиборини жалб қиладиган бу тенденцияга босма оммавий ахборот воситаларининг мумтоз шаклидан воз кечиш тенденцияси, дея таъриф берилади.

Айрим илмий изланишларда конвергент тахририят бир неча турларга бўлиб ўрганилади.

Мультимедиялашган тахририят — ҳар бир муҳаррирнинг технологик қатлам учун махсус ўқитилганлиги тахририятнинг мавжудлиги калитидир. Бу нашрнинг босма ва онлайн версиялари учун бир вақтнинг ўзида ишлайдиган алоҳида тахририятларига тегишлидир.

Интеграциялашган тахририят бу асосан технологик қатламлари орқали янгиликлар оқимларини бирлаштирган тахририятдир. У барча ахборот каналлар таркибини ўз ичига олиб режалаштириш ва ишлаб чиқариш биргаликда амалга оширади. Мазкур нашрда алоҳида бир канал учун масъул ходим бўлмай, босма ва рақамли шакл учун янгиликларни ёритиш жавобгарлиги муайян бир соҳага ихтисослашган муҳаррир зиммасига юкланади.

Кросс-медиявий тахририят — иш жараёни ўзаро маълумот алмашиш принципида асосланган тахририятдир. Бунга барча технологик қатламлар бирданига бажарадиган таркибни яратиш, қайта ишлаш ва тарқатиш қиради. Ушбу нашрда турли бўлим ходимлари нашрнинг ҳам босма, ҳам онлайн версиялари учун контент яратадилар. Бу веб-сайтни видео ва аудио клиплар билан таъминлаш имконини беради².

Баъзи тадқиқотчилар конвергенция жараёнлари конвергент тахририят тузилмасида ўзгаришлар ҳосил қилишини, шунингдек замонавий журналистларнинг ваколатига таъсир қилишини таъкидлашади. Ҳозирги пайтда конвергенция таъсирида оммавий

¹ Кильпелайнен Е.С. Трансформация профессиональных компетенций журналиста в период цифровизации медиaprостранства. -М.: 2019

² Ru.wikipedia.org



ташкилий тузилманинг янги бизнес модели шаклланишда, ахборот йиғиш жараёнлари изомонавийлашмоқда. Ахборотни яратиш ва тарқатиш, ҳам хорижий, ҳам маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг корхоналари билан боғлиқ бўлиб, бу илмий тушунишни ва назарий асослашни талаб қилади¹.

Конвергент тахририят мультимедиа лойиҳаларини амалга оширади, турли форматларни бирлаштиради (фото, видео, гипермувожаатли матн, инфографика ва бошқа кўп нарсалар). Унда ҳамма нарса бир-бирига боғланиб, аралашиб кетади. Бундай тахририятда ишлайдиган журналистдан универсаллик талаб этилади. Албатта, у ҳамма нарсани қила олмайди, айниқса, матн ёзиш, видео суратга олиш ва материалларни сайтга юклашга вақт тополмаслиги мумкин. Қолаверса, ҳар бир тахририят — журналист, фотомухбир, карикатурачи, корректор, макет дизайнери, дастурчи каби кўп сонли ходимларни жалб қила олмайди. Шунинг учун ҳар бир ходим учун жуда кўп функциялилик одатий ҳолга айланди².

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, конвергент тахририятнинг қайси турида фаолият юритмасин, журналистдан универсаллик талаб этилади. Контент мазмуни ва журналист маҳорати масалаларига алоҳида эътибор қаратмас экан, конвергент тахририятларнинг ҳеч қандай стратегияси иш бермайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Молчанова, Ольга. Конвергентная редакция как новый тип организации редакционной структуры СМИ. Znanie. Ponimanie. Umenie. М.: 2018
2. Jurnalistika-obuchenie.rf/konvergentnaya-redakciya/
3. Змановская А.В. “Веб документари” как новый мультимедийный формат”. М.: 2014
4. Ru.wikipedia.org
5. Кильпеляйнен Е.С. Трансформация профессиональных компетенций журналиста в период цифровизации медиaprостранства. -М.: 2019

¹ Молчанова, Ольга. Конвергентная редакция как новый тип организации редакционной структуры СМИ. Znanie. Ponimanie. Umenie. М.: 2018

² Jurnalistika-obuchenie.rf/konvergentnaya-redakciya/



ТАҲРИР САНЪАТИ. МАТН ИХЧАМЛИГИГА ЭРИШИШ УСУЛЛАРИ

Салимова Раъно Умедилло қизи
Ўзбекистон Журналистика ва Оммавий
коммуникациялар университети магистранти
Телефон+998 (90)8700760
Salimovarano1994@gmail.com

Анотация:Таҳрир жараёни жуда мураккаб шу билан бирга масъулиятли жараён ҳисобланади. Ноширликда матн ихчамлигига эришиш орқали газета журналларга бўлган талабни ошириш керак деб ҳисоблайман. Негаки бугун аудитория узундан-узук жумлаларга эга бўлган газетани барибир ўқимади.

Калит сўзлар: Матн ихчамлигига эришиш усуллари, ноширликда матн ҳажми тушунчаси, таҳрир услубиятида тузатишнинг турлари.

Бадиий матин ва унинг таҳлили ва таҳрири илгари ҳам бугунги кунда ҳам ўрганилиб келинмоқда. Журналистик ижод давомида ҳам журналистлар учун матн устида ишлаш, матнни тўғри таҳлил қилиб таҳрир жараёнига тайёрлашда катта билим талаб этилиши барчамизга аён. Журналистик асар яратишда бадиий адабиётнинг ўрни бекиёс. Мухаррир матннинг таҳририга киришишдан олдин муаллифнинг асосий мақсаддини, фикр юритиш тарзини, маскур нашр олдида қўйилган вазифани аниқ ушуниб, матн қисмлари орасидаги мазмуний мантиқий боғланишларни, баён турларини белгилаб олмоғи лозим. Нашрнинг кимларга мўлжалланганлиги, ўқувчининг матнни фаҳмлаш имкониятларини ҳисобга олиши зарур. Бадиий матн таҳририни имловий хатоларни тўғриладан бошлаш ўринли эмас. Негаки, агар бадиий асар тўлалигича ўқиб чиқилганда матнда қисқартирилиши лозим бўлган ўринлар, мантиқий хулосалар, усалубий нуқсонлар борлигини аниқланиши табиий. Уларни тўғрилаш жараёнида янги имловий хатолар келиб чиқиши мумкин. Шунинг учун ҳам аввал амалга оширилган таҳрир ўз-ўзидан вақтни беҳуда сарфлаш бўлиб қолади. Зеро, асар таҳрири жараёнида бир бутунлик нуқтаи назаридан кўриб чиқиши лозим. Ундаги узвийликка амал қилинмаслиги бесамар таҳрирга олиб келади. Агар муаллиф хатоликларга йўл қўса, табиийки, маскур носозликни тузатиш муҳаррир зиммасига тушади. Аввало, ёзилган воқеа-ҳодисанинг ўзи буни нашр этишга яроқли ёки яроқли эмаслигини англаб олиш керак. Ўқиганда ҳам шошмасдан ортиқча сўзларни аниқлаб олиш керак, кичик хатоларни ёдда тутиш учун белгилаб ўқилса, бу бўлажак таҳрирга ёрдам беради. Шунингдек, таҳрир олди ўқиш жараёнида муаллифга бериладиган саволларни ҳам белгилаб олиш керак. Бадиий матн таҳрири давомида, муаллифнинг воқеа-ҳодиса ҳақида ёзган далиллари ва ёзиш услубини бузмаслиги, қисқаси унинг матнига ҳурмат билан муносабатда бўлиши лозим. Агар материалда ноаниқлик ёки фикрни баён этишда ғализлик сезилса, уни бартараф этиш зарур.”Донишманд адиб Ғафур Ғулом “гапириб таржима қил” деган экан. Шу ўғитни таҳрир санъатига қўллаш яхши самара беради.”Мухаррир гапириб таҳрир қилса, матннинг фақат мазмунигина эмас, балки оҳанги ҳам бузилмайди, муаллифнинг услуби ҳам сайқал топади” -дейди таҳрир санъати соҳиби, журналист Маҳмуд Саъдий . Кўпчилик ҳолларда матнда сўз ёки жумла, мақоллар ноўрин ишлатилади. Муаллифлар уларни гоҳида чуқур ўйламай, гоҳида тўлиқ англамасдан ишлатадилар, баъзан эса улар излаб топа олмаган лекин, “тилларининг учиди турган зарур сўз” ни муҳаррирлар топади. Бадиий асар матнини таҳрир қилишни амалга оширишдан аввал, муҳаррир адабий асарнинг тузилишидаги мукамалликка ишонч ҳосил қилиши керак. Бу энг муҳим ва одатда биринчи таҳрир босқичи ҳисобланади. Фақат асар қурилишида нуқсонлар йўқлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнггина тил ва услуб таҳририга ўтиш мумкин. Мухаррир материал нуқсонларини бартараф этар экан, бу жараёнда унинг режага асосан ишлаши жуда муҳим аҳамиятга эга. Мухаррир иш жароёнида 3 хил режага асосан ишлаши мумкин:

- муаллифнинг асар ёзилишидан аввалги режаси;
- муаллифнинг асар тугаллангандаги режаси;
- муҳаррирнинг таҳрир режаси.

Булар ичида энг муҳим жараён, албатта, муҳаррирнинг таҳрир режасига боғлиқ. Мухаррир қўлёзма асарнинг биринчи ўқувчиси, унинг маънавий-ижтимоий, ахлоқий-маърифий



қийматини баҳоловчи дастлабки қаттиққўл танқидчигина эмас, матнни камчиликларини аниқлаб тузатиб, уни мукамал босма асар ҳолига келтиришга қодир ижодий мутахассис ҳамдир. У матннинг қайта ишлашига, такомиллашувига жавобгар шахс. Демак, муҳаррир муаллиф ҳам муштарий олдида ҳам нашр тақдири учун масъул ҳисобланар экан.

Таҳрир услубиятида тузатишнинг тўрт тури фарқланади. Булар қуйидагилар:

- Ўқиб тузатиш;
- Қисқартириб тузатиш;
- Ишлов бериб тузатиш;
- Ўзгартириб тузатиш

Бундан ташқари муҳаррир асос материал билан ишлашни ҳам билиши керак. Бадий матн тарихидаги асос материални аниқлаб текшириб кўриши муҳаррирдан ката билим ва тажрибани талаб этади. Негаки, матнни қисқартириш давомида асос материални бутунлигига зарар етказиб қўймаслик лозим. “Гап қанча яхши бўлса, у шунча қисқа бўлади”-Абдулла Қаҳҳорнинг бу жумлалари бугунги кунда журналистлар учун ҳам дастурул амал бўлиб хизмат қилмоқда. Бугун журналистлар ижтимоий тармоқларда жуда фаол. Шу билан бир қаторда ахборотни айна содир бўлган вақтнинг ўзида тайёрлаб, узатишмоқда. Чунки замон шу қадар тезкорликни талаб қилмоқда. Журналист содда ва шу билан бир қаторда ўзида катта маъно жамлаган материал яратиши лозим. Бугунги аудитория айнан қисқа, кишини чарчатмайдиган материалга эҳтиёжи катта узундан-узок мақолани ўқишга эса унча-мунча аудитория қаноат қилмайди. Журналистик материал яратишда ҳам гапнинг қанчалар қисқа бўлиши ва ўша қисқа матнда журналист аудиторияга бермоқчи бўлган барча маълумотини сиғдира олиши лозим.

Тадқиқот натижаларига кўра таклиф ва тафсияларим:

1. Ноширликда матн ихчамлигига эришиш орқали газета журналларга бўлган талабни ошириш керак деб ҳисоблайман. Негаки бугун аудиторияга узундан-узок жумлаларга эга бўлган газетани барибир ўқимайди.

2. Бугунги кун журналистикасида танқидий-тахлилий материаллар жуда камчиликни ташкил этади. Бунинг сабабларини ўрганиш зарур.

3. Абдулла Қаҳҳор ижодини бугунги кун журналистлари учун ҳам ижод лабораторияси вазифасини ўтайди. Ундан ўрганиш фойдадан ҳоли эмас. Чунки Абдулла Қаҳҳордагина қисқа жумлада катта маъно жамлай оладиган ижодий база бор.

4. Абдулла Қаҳҳор публицистик асарларнинг тили ва услуби бўйича бакалаврларга махсус курс ўтиш мақсадага муофиқ.

5. Маҳорат мактабида Абдулла Қаҳҳор ижодини ўрганиш йўлга қўйиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Эркин Воҳидов. Сўз латофати.-Т.:Ўзбекистон,2014.-116-б
2. Тохиров З.Т.Абадий таҳрир.Дарслик. -Т.:”Тафаккур бўстони”.2012. -262-бет.
3. Худойкулов М. Журналистика ва публицистика.-Т.:Университет,2008.-208-б.
4. Иброҳим Ҳаққул.Абдулла Қаҳҳор жасорати.//Таваккур журнали.2007.



СПОРТ ЖУРНАЛИСТИКАСИНИНГ ОНЛАЙН НАШРЛАРДАГИ ИМКОНИАТЛАРИ

Тўхтамирзаев Омонжон,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий
коммуникациялар университети магистранти)
Илмий раҳбар: профессор Турсунали Кузиев

XX асрнинг сўнги ўн йиллигида электрон нашрга мультимедиа компонентлари, рақамли товушлар ёхуд видео қисмлари киритилди. Бунинг натижасида электрон нашрларни бошқа ОАВ (радио, ТВ, матбуот) билан таққослаганда, улардан анча устун жиҳатларга эга бўлган ахборот воситасига айланди. Охирги бир неча йилда веб-сайт ва веб-саҳифа тушунчаси тез-тез қўлланилмоқда. Веб-саҳифалар тармоқдаги ахборот ресурсларининг энг оммавийлашган ва талаб кўп бўлган тури бўлиб, у гиперматн саҳифаларидан иборатдир. Бу ягона таркибга эга бўлган мультимедиа материалларининг мажмуи — сайтдир.

Интернет журналистиканинг устунлик жиҳатлари анъанавий журналистикани тўлдириб, уни кенгайтиради. Чунки бирининг устунлиги иккинчисининг камчилигини беркитади ва аксинча. Шу жиҳатдан ёндашсак, интернет журналистика анъанавий журналистикага рақобатчи эмас балки ҳамкорлик қилаётганини кўрамиз. Интернет журналистика матбуот, радио ва телевидение каби ОАВ тизимининг таркибий қисми, типи сифатида таснифланганига анча бўлди.

Сайтлар мазмунига қараб уларни безатиш қонуниятлари қуйидагилардир¹:

- оддийлик веб-саҳифа дизайнининг асосий мақсадига айланиши лозим;
- веб-саҳифа дизайни унинг мазмуни билан ҳамоханг бўлиши керак;
- веб-саҳифа кўп платформада фаолият юритишини таъминлаш керак.
- ҳар қандай веб-саҳифанинг асосий мақсади – маълумот узатишдир.

Ўзбекистонлик интернет соҳасига ихтисослашган олимлар Д.Рашидова, Н.Муратова Интернет нашрларни уч турга ажратиб таснифлашган:

- анъанавий ОАВнинг (матбуот, ТВ ва радио) интернетдаги электрон версиялари;
- интернет нашрлар (ахборот ва ихтисослашган веб-сайтлар ва порталлар);
- тармоқдаги электрон ваколатхоналар қонун чиқарувчи органлар, партиялар ва порталлари.²

Бугунги глобаллашув даврида интернет кундалик ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида ҳар сонияда эҳтиёжларимизни қондиришга хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда спорт соҳасида қатор ишлар амалга оширилиши билан биргаликда “Спорт журналистикаси” ҳам ривожланиб борапти. Дунёнинг ривожланган қайси мамлакатига назар ташламайлик, спортга ва унинг бирор-бир турига ихтисослашган оммавий ахборот воситаларига эга эканига гувоҳ бўламиз. Дунёнинг барча ОАВ аудитория эҳтиёжларидан келиб чиқиб фаолият олиб боради. Интернетда ҳам спорт журналистикаси шиддат билан ривожланыпти. Халқаро спорт майдонларида, профессионал рингларда, теннис кортларида бўлаётган мусобақаларга аҳолининг қизиқиши катта. Минглаб томошабинлари бор каналларнинг дастурлари сифатини ва савиясини янада кўтариш учун ҳар бир таҳририят тинимсиз ҳаракат қилади. Булар орасида энг оммавий бўлган спорт тури футбол ҳисобланади. Аксарият спорт каналлари дастурига эътибор қаратсак, футбол ўйинлари ва мусобақалари қолган турлардан устунликка эгаллигини кўрамиз. Талабдан келиб чиққан ҳолда, ОАВ ҳам футбол мусобақаларига кўпроқ эътибор қаратади. Албатта, бу борада Интернетга тенг келадигани йўқ. Шунингдек, мақолаларга фикр билдириш, шарҳ ёзиш, танқид қилиш каби жараёнлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Замонавий веб-сайт қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши лозим:

1. Тезлик билан ишлаши;
2. Мазмунан бой бўлиши;
3. Доимий аудитория билан мулоқотда бўлиши;

¹ Зуев М. Спецификация HTML™ 1.0: The Extensible HyperText Markup Language.

² Рашидова Д., Муратова Н. Интернет журналистика, Т.:2007.Б-47.



4. Жалб этувчи дизайнга эга бўлиши.¹

Ўзбек футбол журналистикаси ҳам бу жараёндан ортда қолмасликка ҳаракат қилмоқда. Шу ўринда футболга ихтисослашган бир қанча сайтлар номини келтириш мумкин: www.ufa.uz, www.uzfootball.com, www.stadion.uz, www.championat.asia ва бошқалар. Ҳозирги кунда Ўзбекистон, Россия ва бошқа кўплаб давлатларда спортга ихтисослашган онлайн нашрларнинг ахборот тарқатиш андозалари деярли бир хил. Фақатгина мавзуларни ёритиш камрови, тезкорлигига кўра бир-биридан фарқ қилади. Табиийки, спорт журналистикасининг ривожланиши бу соҳани янада чуқурроқ ўрганиш, спорт соҳасини ёритишда пайдо бўлган янги тенденцияларни тадқиқ этиш, спортга ихтисослашган ОАВда ёритиладиган спорт мавзуларини қиёсий таҳлил қилиш лозимлигини тақозо этади. Спорт журналистикаси оммавий ахборот воситаларининг қай бирида бўлмасин хабар беради, қайта ишлаб таҳлил қилинган ҳолда ахборотни етказди, салбий ва ижобий мисоллар билан аудиторияни тарбиялайди. Шундай экан, бу йўлда спортчилар билан биргаликда спорт журналистлари ҳам ўз салоҳиятларини кўрсатишлари лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Аблизова Г., Ёкубова М. Ахборий жамиятда даврий веб-сайтларнинг ўрни, Т.: ЎзДЖТУ, “Давр, ахборот, интернет: янгилашув тенденциялари ва истиқболлари” мавзуидаги илмий-амалий анжуман материаллари, Т.: 2014. ЎзДЖТУ.-Б.81

4. Рашидова Д., Муратова Н. Интернет журналистика, Т.: 2007.Б-47.

5. Зувев М. Спецификация HTML™ 1.0: The Extensible HyperText Markup Language.

¹ Аблизова Г., Ёкубова М. Ахборий жамиятда даврий веб-сайтларнинг ўрни, Т.: ЎзДЖТУ, “Давр, ахборот, интернет: янгилашув тенденциялари ва истиқболлари” мавзуидаги илмий-амалий анжуман материаллари, Т.: 2014. ЎзДЖТУ.-Б.81.

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 25-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(6-қисм)

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 28.02.2021

Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000